“Ўзсувтаъминот”: яна 5 миллион аҳоли ичимлик суви билан таъминланади 6

«Бордимкўл»нинг тилими тилни ёрар қовунлари 8

Birgalikda ijtimoiy davlat sari!

O‘zbekiston Ovozi

Ijtimoiy-siyosiy gazeta

t.me/uzbekiston_ovozi_gazetasi facebook.com/uzbekistonovozi instagram.com/uzbekiston_ovozi www.uzbovozi.uz info@uzbovozi.uz

№37

2024-yil
18-sentabr, chorshanba

1918-yil
21-iyundan chiqa boshlagan



ФАЙЗУ БАРАКА ЁШИ УЛУҒЛАРИМИЗДАДИР

SAYLOV 2024

27-OKTABR

“ИЖТИМОИЙ ДАВЛАТ УЧУН!” ШИОРИ ОСТИДА

Мамлакатимизда муҳим сиёсий жараён – Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгашлар депутатлари сайлови кампанияси тобора қизғин тус олмоқда. 27 октябрь куни ўтиши кутилаётган мазмунан янги ва технологик сайловларда Конституциямиз ва халқаро сайлов тамойилларига мос равишда мамлакатимизнинг қонун чиқарувчи ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органларининг таркиби янгиланиши таъминланади.

✓ Сиёсат



МАРКАЗИЙ ОСИЁ – ГЕРМАНИЯ: ИККИНЧИ САММИТ

Бугунги глобаллашган дунёда фаол ташқи сиёсат юритиш давлатларнинг халқаро ҳамжамият олдидаги нуфузини белгилайди. Ўзбекистон кейинги йилларда ўзининг халқаро майдондаги обрўсини айнан ташқи сиёсатдаги фаоллиги орқали мустаҳкамлаб боряпти, десак янглишмаймиз.

АСОС ТАЛАБ ҚИЛИНАДИ



Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг фаолиятини кузатсангиз, унинг қанчалик қизиқ ва масъулиятли жараён эканига яна бир бор амин бўласиз. Баъзида депутатлар жудаям фаол, ҳар бир меъёрга синчков, баъзида эса айрим лойиҳалар савол ва муҳокамаларсиз маъқулланади.

АСОСИЙ СТАВКА ЙИЛЛИК 13,5 ФОИЗ ДАРАЖАСИДА ҚОЛДИ

Марказий банк матбуот хизматининг маълум қилишича, регулятор инфляцияни йил якунига қадар прогноз кўрсаткичларигача пасайтириш ва ўрта муддатли истиқболда 5 фоизлик таргетга эришиш мақсадида асосий ставкани 13,5 фоиз даражасида ўзгаришсиз қолдириш тўғрисида қарор қабул қилган.

6

✓ Дастур ва ижро

ИЖТИМОИЙ ТЕНГЛИК ВА БИРДАМЛИК ЙЎЛИДА

Халқ демократик партияси 2019 йили Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгашлар депутатлари сайловлари олдидан 12 қадамни ўзида мужассам этган, 82 банддан иборат сиёсий-ижтимоий мақсадларни қамраб олган Сайловолди дастурини қабул қилган эди. Ўрганишлар кўрсатмоқдаки, ҳозирга қадар уларнинг 70 дан ортиғи амалга ошди. Энг муҳими, партиянинг ижтимоий идеали бўлган ижтимоий демократик давлатни барпо этиш тамойили Конституцияда муҳрланди. Хабарингиз бор, дастур ижроси доирасидаги амалий ишлар ҳақида газетамизнинг ҳар бир сонида маълумот бериб боряпмиз. Бу гал ҳам айни анъанани давом эттирамиз.

5

✓ Сайлов — 2024



САЙЛОВ ШТАБЛАРИДА НИМА ГАП?

Жорий йилнинг 27 октябрида бўлиб ўтадиган парламент сайловларига роса 40 кун қолди. Ўзбекистон Халқ демократик партияси ҳам мамлакатимиз ҳаётидаги бу муҳим тадбирда ўзининг сиёсий позициясини намоён этиш учун қизғин тайёргарлик кўрмоқда.

Хусусан, партиянинг айни жараёнда фаол қатнашиши билан боғлиқ вазифаларни самарали бажариш учун Марказий ҳамда 14 та ҳудудий кенгашларда сайлов штаблари фаолият олиб бормоқда. Партия сайлов кампанияси даврида аҳолининг сиёсий ва ҳуқуқий саводхонлигини янада ошириш, электорат манфаатларини ҳимоя қилишга янада қизғин киришди.



“ИЖТИМОИЙ ДАВЛАТ УЧУН!”

шиори остида



Мамлакатимизда муҳим сиёсий жараён – Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгашлар депутатлари сайлови кампанияси тобора қизғин тус олмоқда. 27 октябрь куни ўтиши кутилаётган мазмунан янги ва технологик сайловларда Конституциямиз ва халқаро сайлов тамойилларига мос равишда мамлакатимизнинг қонун чиқарувчи ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органларининг таркиби янгиланиши таъминланади.

Шу кунларда мазкур тадбирга тайёргарлик доирасида Ўзбекистон Халқ демократик партияси томонидан жойларда Қонунчилик палатаси ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига кўрсатилган номзодлар иштирокида ўқув семинарлари ўтказилмоқда.









ХДП Сирдарё вилоят Кенгаши ташаббуси билан Гулистон шаҳар ҳокимлигида ва Тошкент кимё-технология институти Янгиер филиалида ташкил қилинган ана шундай ўқув семинарлари ўзаро фикр алмашиш ва очиқ мулоқот руҳида ўтди.

Қайд этилганидек, 2023 йилнинг 18 декабрь куни кучга кирган “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига сайлов ва референдум ўтказиш тартибини янада такомиллаштиришга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Конституциявий қонунда парламент сайловларида аралаш, яъни, можаритар ва пропорционал тизимни жорий қилишга доир янги нормалар белгиланди.

Маълумки, парламент қуйи палатаси беш йил муддатга сайланадиган бир юз эллик депутатдан иборат. Бу йил мамлакатимиз тарихида биринчи марта депутатларнинг етмиш беш нафари бир мандатли сайлов округлари бўйича сайловчиларнинг бевосита номзодларга берган овозларига мувофиқ сайланади. Қолган етмиш беш нафари эса ягона сайлов округи бўйича сиёсий партияларга берилган овозларга мутаносиб равишда сиёсий партиялар томонидан кўрсатилган номзодлар рўйхати (яъни, партия рўйхати) асосида сайланади. Сайлов куни сайловчи қўлига иккита бюллетен олади - биринчисида аниқ бир номзодга овоз берса, бошқасида ўзи ишонган сиёсий партияни белгилайди. Аралаш тизим ўз таркибида жамиятдаги сиёсий кучлар мувозанатини акс эттирувчи парламентни шакллантириш имконини беради.

Ўқув семинарларида янги сайлов тизимининг ташкилий-ҳуқуқий жиҳатлари ҳақида кенг тушунтиришлар берилди. Жорий йилдаги сайловлар жойларда вакиллик органларининг ваколатлари сезиларли даражада кучайтирилган шароитда ўтиши, бу эса сиёсий партиялар ва номзодлар ўртасида фаол рақобат муҳитини яратиши айтиб ўтилди.

Таъкидлаш керакки, жойларда давом этаётган ушбу мазмундаги тадбирлар давомида, шунингдек, ХДПнинг бу йилги “Ижтимоий давлат учун” шиори остида эълон қилинган Сайловолди дастурида илгари сурилган ғоялар, таклиф-ташаббуслар моҳияти ва аҳамиятига алоҳида урғу берилаётир.

Сайловчилар ва ОАВ вакиллари билан мулоқотлар, ижобий имижни шакллантириш, сайловолди ташвиқотини самарали олиб бориш, номзодлар муваффақиятини ошириш усуллари, ижтимоий тармоқлар имкониятларидан фойдаланиш масалаларига ҳам диққат-эътибор қаратиляпти.

Шу билан бирга сайлов жараёнларига рақамли технологияларнинг жорий этилгани, барча даражадаги сайлов комиссиялари фаолияти тўлиқ рақамлаштирилгани муҳим сиёсий тадбирнинг соф демократик андозалар асосида ўтишини кафолатлаши, “E-Saylov” ахборот тизими афзалликлари малакали экспертлар томонидан тушунтирилмоқда.

Ф. МАҲКАМОВА
тайёрлади.

Таъкидлаш керакки, жойларда давом этаётган ушбу мазмундаги тадбирлар давомида, шунингдек, ХДПнинг бу йилги “Ижтимоий давлат учун” шиори остида эълон қилинган Сайловолди дастурида илгари сурилган ғоялар, таклиф-ташаббуслар моҳияти ва аҳамиятига алоҳида урғу берилаётир.









ХДП ТАШАББУСИ

Фарида МАҲКАМОВА,
“Ўзбекистон овози” мухбири.

Кексаликни умр шоми дейдилар. Қайсидир мезонлар билан қараганда, бу қиёсда жон бор, бироқ у донишмандлик фасли экани мутлақ ҳақиқат. Йиллар давомида тўпланган ҳаётий тажрибалар, улғайган қарашлар, такомилга етган туйғулар, босиқлик ва сермулоҳазалилик хислатларига эга ёши улуғ инсонлар наинки оилада, балки бутун бир жамиятда муҳим ўрин тутадилар. Халқимиз “Қариси бор уйнинг париси бор” ёхуд “Қари билганни пари билмас”, деб бежиз айтмайди.



ФАЙЗУ БАРАКА ЁШИ УЛУҒЛАРИМИЗДАДИР

Қон-қонимизга сингиб кетган миллий қадриятларимизда кексаларга ҳурмат ва эҳтиром кўрсатишга даъват қилинади. Оилада табаррук ёшдаги ота-онага яхшилик қилиш, хизматларидан малолланмаслик ҳам ибодат каби улуғ иш экани таъкидланади. Оилани нечоғлик муқаддас санасак, унинг устуни бўлган қарияларимизни шунчалар қадрлаймиз, азиз деб биламиз. Зеро, оила ва жамиятда маънавий-ахлоқий муҳитни шакллантиришда, ёш авлодни тарбиялашда кексаларнинг таъсири ва улуши жуда каттадир.

Бугунги жадал глобаллашувнинг иштирокчиси бўлган жамиятимизда янги даврга хос ютуқлар билан бир қаторда айнан маънавий-ахлоқий оламимизда муайян бўшлиқлар, салбий оғишлар кузатилаётгани, нуклеар (ёш ота-она ва фарзандлардан иборат) оилалар кўпайиб бораётгани, уч авлод ўртасидаги самимий ришталар йўқолаётгани катта авлод вакилларига нисбатан муносабатларимизга, бу борадаги асл ва асрий анъаналаримизга соя солаётганини ҳам тан олиш керак, албатта (бу энди алоҳида мавзу). Мана шундай бир пайтда эътиборга, ғамхўрликка, қўллаб-қувватлашга муҳтож қатлам сифатида кексаларни қадрлаш, уларни жамиятнинг фаол иштирокчисига айлантириш, манфаатларини ҳар томонлама ҳимоя қилиш давлатимиз олиб бораётган ижтимоий сиёсатнинг устувор йўналишларидан экани беҳад қувонарли ҳол.

Бундай инсонпарвар сиёсатнинг тарафдори бўлган Халқ демократик партияси ҳам янги сайловлар олдидан эълон қилган Сайловолди дастурида мазкур соҳада жиддий ва аниқ ташаббусларни илгари сурмоқдаки, қуйида бу ташаббусларнинг зарурати, моҳияти ва аҳамияти ҳақида сўз юритамиз.

ДУНЁ “ҚАРИБ” БОРМОҚДА

Ҳозирги кунда дунё бўйича 60 ёшдан ошган инсонлар қарийб 700 млн кишига етган. Агар 2021 йилда ҳар ўнинчи киши 65 ва ундан катта ёшда бўлган бўлса, 2050 йилга бориб ҳар олти кишининг бири кекса инсонларга тўғри келиши, яъни, сайёрамиз аҳолисининг 20 фоиздан ортиғини қариялар ташкил этиши, 80 ва ундан катта ёшдагилар сони ҳам шитоб билан ўсиши прогноз қилинмоқда.

Халқаро экспертлар дунёнинг бу йўсинда “қариб” бораётганини ортга қайтмас глобал тенденция, деб ҳисобламоқдалар. Бу эса кекса авлод вакилларининг пенсия таъминотидан тортиб сифатли тиббий хизматдан фойдаланишгача бўлган иқтисодий-ижтимоий ҳуқуқларини кафолатлаш юзасидан ҳар бир давлат ва жамият олдига долзарб вазифаларни қўймоқда.

1 октябрь – Халқаро кексалар куни муносабати билан ўтган йили Бирлашган Миллатлар Ташкилоти тақдим қилган “Кексалар учун Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясини ҳаётга татбиқ этиш - авлодлар оша” ҳисоботида келтирилганидек, Барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш учун авлодлар тенглиги ва барқарор ечимлар асосида бирдамлик муҳитини мустаҳкамлаш зарур. Даромадларнинг тенгсизлиги ва салбий меҳнат шароитларидан катта ёшли инсонларни ҳимоя қилиш янги дунё учун хос бўлиб қолмоқда.

Мамлакатимизда эса шу йил бошида доимий аҳоли таркибида 60 ёшдан катта инсонлар сони қарийб 3 ярим миллион кишига, ўртача умр кўриш давомийлиги 74,4 ёшга етди.

Ўз навбатида кекса авлод вакилларининг ҳаёт даражаси ва сифатини янада яхшилаш, моддий-маънавий қўллаб-қувватлаш кўламини кенгайтириш, ижтимоий хизмат кўрсатишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тизимли олиб борилаётгани эътирофга лойиқ. Ўтган йили янги таҳрирда қабул қилинган Конституциямизнинг 46-моддасида ҳар ким қариганда, меҳнат қобилиятини йўқотганда, ишсизликда, шунингдек, боқувчисини йўқотганда ва қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда ижтимоий таъминот ҳуқуқига эга экани, пенсиялар, нафақалар ва бошқа турдаги ижтимоий ёрдамнинг миқдорлари расман энг кам истеъмол харажатларидан оз бўлиши мумкин эмаслиги қатъий белгилаб қўйилди. Бу давлат ўз фаолиятини амалга оширишда ижтимоий адолат тамойилига содиқлиги ва собитлигини яна бир карра намоён этиши баробарида ижтимоий ислоҳотчи сифатида аҳолининг эҳтиёжманд қатлами, жумладан, кексаларнинг ҳуқуқ-манфаатларини ҳар тарафлама кафолатлашини англатади.

Шундай қилиб, ХДПнинг янги Сайловолди дастурида ушбу йўналишда келтирилган таклиф-ғоялар ҳақида партия депутатлари ва фаолларини тинглаймиз.



ИНСОНПАРВАРЛИК ТАМОЙИЛИГА КЎРА

Дилноза МУРАТОВА,

Халқ демократик партиясидан кўрсатилаётган номзод:

- Кексалар ҳаётини минимал ижтимоий кафолатлар даражасида таъминлаш ҳар бир давлатнинг, унинг ривожланганлик даражасидан қатъи назар, бош вазифаси ҳисобланади. Худди шундай, юртимизда иқтисодиётни эркинлаштиришнинг ҳозирги босқичида фаол ижтимоий сиёсатни амалга ошириш янгича амалий ва самарали шаклларни қўллашни тақозо этмоқда. Бу эса аҳолининг ижтимоий эҳтиёжларини қондириш ҳамда жамият табақалашувини юмшатишда ҳал қилувчи аҳамият касб этади.

Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида эҳтиёжманд қатлам вакиллари қаторида пенсионерларнинг, ёлғиз кексаларнинг тўлақонли ҳаёт кечиришларини таъминлаш учун уларни ижтимоий қўллаб-қувватлашни изчил ривожлантириш назарда тутилган. Бунда давлат томонидан кафолатланган пенсия таъминоти тизимини такомиллаштириш, йил сайин сафи кенгайиб бораётган пенсионерларимиз турмуш фаровонлигини яхшилаш масаласига алоҳида урғу берилган.

Тўғри, ҳозирги вақтда аҳолининг демографик хусусиятларини ҳисобга олиб, ижтимоий адолат тамойиллари асосида пенсия таъминоти соҳаси тартибга солинмоқда. Шу билан бирга бу тизимда ечимини кутиб турган муаммолар ҳам борки, уларни ҳал этишда давлат билан бир қаторда нодавлат институтлар, сиёсий партиялар ташаббускор бўлиши керак.



ХДП Сайловолди дастурида пенсия таъминотини такомиллаштириш учун хақчил ва халқчил ғояларни таклиф қилади. Хусусан, пенсияга чиқиб, камида беш йил ишлаб, даромад солиғи ва ижтимоий солиқни тўлаган пенсионерлар учун муқаддам тайинланган пенсияни қайта ҳисоблаб, оширилган миқдорда тайинлаш имкониятини бериш, юз ёшдан ошган нуронийларимиз учун “13-пенсия” тизимини жорий этиш ижтимоий ҳимоя талаб инсонларга жуда катта мадад бўлиб, халқимизда ислоҳотлардан розилик ҳиссини оширишга олиб келади.

Муҳими, ҳозирда амалда бўлган пенсия ёшини ўзгартирмасдан сақлаб қолиш бўйича сиёсатни давом эттиришни биз ҳар тарафлама мақбул ечим сифатида кўрмоқдамиз.

Кексаларга ажратилаётган моддий-ижтимоий ёрдам маблағлари манзилли ва мақсадли етиб бориши устидан жамоатчилик назоратини кучайтириш эса соҳада қонун талабларига сўзсиз риоя этилишини, шаффофликни таъминлашда давлат билан бир қаторда жамоатчилик ҳам бирдек масъул эканини англатади.

Шоҳрух ЎКТАМОВ,

Халқ демократик партиясидан кўрсатилаётган номзод:



- Кексалар саломатлигининг сифат кўрсаткичлари (касалланиш, ўлим, ногиронлик) ижтимоий ҳимоя қилиш тизимининг самарадорлиги билан бевосита боғлиқ. Уларнинг ижтимоий аҳволи эса кўп ҳолатларда ўз саломатлигини муҳофаза қилиш, шошилинч ва малакали тиббий ёрдамлардан фойдаланиш учун имконияти бор ёки йўқлигида яққол кўринади.

Шу нуқтаи назардан партиямиз кексаларга сифатли тиббий-ижтимоий хизмат кўрсатиш тизимини модернизация қилиш ва ривожлантиришга устувор аҳамият қаратмоқда. Кексалар учун тиббий-ижтимоий хизматлар кундузги парвариш қилиш марказлари, шифохоналар, амбулаториялар, уйда тиббий хизмат кўрсатиш каби кенг тармоқни ўз ичига олиши лозим. Бу борада соғлиқни сақлаш инфратузилмасини барча зарур жиҳозлар ҳамда махсус мутахассислар билан таъминлаш муҳимдир.

Фикримизча, соғлиқни сақлаш тизими кексалар касалланишлари профилактикасига жиддий эътибор қаратиши керак.

Кексаликда, яъни, танингдан куч, кўзингдан нур кетганда инсоннинг ёлғиз қолиши жуда оғир. Устига-устак физиологик қариш жараёни айрим сурункали касалликларнинг пайдо бўлишига олиб келади. Бундай вазиятда инсон учун ижтимоий, тиббий ва психологик кўмак, ғамхўрлик ҳар қачонгидан керак. Дунё тажрибасига разм солсак, бу вазифани хоспислар муваффақиятли бажараётганини кўриш мумкин.

Хосписларнинг қариялар уйларидан фарқи катта. Бундай муассасаларга бириктирилган шифокорлар ва ҳамширалар кекса ёшдаги беморларга ўз вақтида тиббий хизмат кўрсатиш билан бир вақтда уларнинг жисмоний ва руҳий оғриқларини енгишига ёрдам берадилар. Тақдир синовлари туфайли ёлғиз қолган, парваришга муҳтож кекса ёшдагилар учун ҳам ижтимоий кўмак марказлари, яъни, хосписларни кўпайтириш жамиятимиз учун сув ва ҳаводек зарур. Бинобарин, мамлакатимизда жорий йил август ҳолатига кўра ялғиз яшовчи кексалар сони 7 минг 939 нафарни ташкил этмоқда. Бу кичкина рақам эмас.

ХДП дастурида хоспислар фаолиятини кенгайтириш, “Хоспис хизматини кўрсатиш тўғрисида”ги қонун лойиҳасини ишлаш чиқиш ташаббуси шу жиҳатдан мақсадга мувофиқ.

Бундан ташқари, фаол қариш бўйича стратегияни илгари суриш орқали барча соҳада кекса одамларнинг фаол иштирокини рағбатлантириш масаласига ҳам диққат қаратилган.

Фаол қариш – бу жуда кенг тушунча. Биламизки, ёш ўтиши билан инсонда табиий биологик жараён – кексайиш кузатилади. Бу жараёндаги ўзгаришлар нафақат ташқи қиёфада зуҳур бўлади, балки жисмоний фаоллик чекланади, кўпинча юрак, қон-томир ва асаб тизимида турли хасталиклар юзага кела бошлайди.

Мутахассислар соғлом турмуш тарзи, меҳнат ҳамда дам олишни тўғри шакллантириш, соғлом овқатланиш, доимий ҳаракат ва ҳатто ён-атрофдаги инсонлар билан олижаноб муносабатлар фаол қариш асоси эканини таъкидлайдилар. Халқона айтганда, кексаликка бўйин эгмаган инсонлар ҳаётга қизиқишини ва ижтимоий фаолиятини сўндиришмайди. Оилада ҳам, жамият ҳаётида ҳам фаол бўладилар.

ХДПнинг фаол қариш бўйича стратегияси орқали кексаларимизнинг барча соҳада ўрни ва обрўсини ошириш таклифи замирида чинакам инсонпарварлик тамойили мужассамлигини ортиқча таъриф этишга ҳожат бўлмаса керак.

Бугун давлат ва жамият ривожи учун ёшлар билан баравар бел боғлаган кекса авлод вакилларининг манфаатларини ҳимоя қилиш, бунинг учун тиббий ёрдам, молиявий кўмак ва ижтимоий интеграцияга қаратилган комплекс чораларни амалга ошириш партиямизнинг дастурий мақсадларига уйғундир.

Ёши улуғ инсонлар – бетакрор қадриятларимиз ва маънавий-маданий меросни асраб юрган хазина мисоли. Уларни қадрлаш, эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиш пировардида халқимизнинг маданий тараққиётига хизмат қилади.

БУГУНГИ ГЛОБАЛЛАШГАН ДУНЁДА ФАОЛ ТАШҚИ СИЁСАТ ЮРИТИШ ДАВЛАТЛАРНИНГ ХАЛҚАРО ҲАМЖАМИЯТ ОЛДИДАГИ НУФУЗИНИ БЕЛГИЛАЙДИ. ЎЗБЕКИСТОН КЕЙИНГИ ЙИЛЛАРДА ЎЗИНИНГ ХАЛҚАРО МАЙДОНДАГИ ОБРЎСИНИ АЙНАН ТАШҚИ СИЁСАТДАГИ ФАОЛЛИГИ ОРҚАЛИ МУСТАҲКАМЛАБ БОРЯПТИ, ДЕСАК ЯНГЛИШМАЙМИЗ.

БУТУН БОШЛИ МАРКАЗИЙ ОСИЁ МИНТАҚАСИ ДУНЁНИНГ ЕТАКЧИ ДАВЛАТЛАРИ УЧУН МУЛАҚОТГА ТАЙЁРЛИГИНИ НАМАЁН ҚИЛМОҚДА. ШУ САБАБЛИ ХАЛҚАРО МУНОСАБАТЛАРДА “МАРКАЗИЙ ОСИЁ +” ФОРМАТИДАГИ МУЛОҚОТ ПЛАТФОРМАСИ ПАЙДО БЎЛДИ. БУ ТЕНДЕНЦИЯ, АЙНИҚСА, ОХИРГИ 3-4 ЙИЛ ИЧИДА СЕЗИЛАРЛИ ДАРАЖАДА ТЕЗЛАШДИ.



МАРКАЗИЙ ОСИЁ – ГЕРМАНИЯ:

ИККИНЧИ САММИТ

“Марказий Осиё – Германия” форматидаги биринчи саммит 2023 йилнинг 29 сентябрь куни Берлин шаҳрида ўтказилган эди. Мана, орадан бир йил ҳам ўтмай, Остона шаҳрида иккинчи саммит бўлиб ўтди.

Эътиборлиси, Германия канцлери Олаф Шольц саммитдан олдин Ўзбекистонга ташриф буюрди. Самарқандда ўтган икки давлат етакчиларининг учрашувида бир қатор муҳим масалалар муҳокама қилинди. Саммит учун Саноат ва технологиялар бўйича стратегик шериклик дастури тайёрланган ва банклари билан умумий қиймати қарийб 9 миллиард евро бўлган ҳамкорлик лойиҳалари ишлаб чиқилаётгани таъкидланди.

Ташриф доирасида 8 та икки томонлама ҳужжат имзоланди.

- Миграция ва мобиллик соҳасида ҳар томонлама шериклик тўғрисида ҳукуматлараро битим;
- Ветеринария ва чорвачилик соҳасида ҳамкорлик тўғрисида ҳукуматлараро декларация;
- "Яшил Марказий Осиё" ташаббуси доирасида сув ресурсларидан барқарор фойдаланиш соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисида ҳукуматлараро декларация;
- Ўта муҳим минераллар соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисида қўшма декларация;
- Транспорт соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисида битим;
- Париж битими доирасида иқлим ўзгариши соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисида меморандум шулар жумласидандир.

Бундан ташқари, 2024-2026 йилларга мўлжалланган Технологик шериклик ва саноат кооперацияси дастури қабул қилинди. Ўзбекистон ва Германиянинг етакчи корхоналари даражасида бир қатор битим ва шартномалар тузилди.

Шу тариқа Ўзбекистон–Германия ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик алоқалари мустаҳкамланиб, янги босқичга кўтарилмоқда.

17 сентябрь куни Остонада ўтказилган “Марказий Осиё-Германия” саммитида иштирок этган Ўзбекистон Президенти ўз нутқида минтақанинг Германия билан амалий шерикликни ривожлантиришдаги устувор йўналишларига тўхталиб ўтди.

Биринчидан, Марказий Осиё ва Германия ўртасида стратегик минтақавий шериклик ўрнатилгани юқори баҳоланиб, устувор йўналишларда дастурий тадбирларни қамраб олган узоқ муддатли Ҳамкорликни ривожлантириш концепциясини қабул қилишни таклиф этди.

Иккинчидан, Марказий Осиё мамлакатлари ва Германия ўртасидаги инвестициявий ва технологик ҳамкорликни кенгайтириш бўйича "йўл харитаси"ни ишлаб чиқиш, минтақада қўшма лойиҳаларни амалга оширишга Германиянинг етакчи компания ва банкларини фаол жалб этиш, "Марказий Осиё ва Германия" Инвесторлар ва тадбиркорлар кенгашини тузиш, шунингдек, инвестицияларни рағбатлантириш ва ҳимоя қилиш бўйича кўп томонлама ҳукуматлараро битимни қабул қилиш имкониятларини ўрганиш заруратига эътибор қаратилди.

Учинчи йўналиш Германиянинг илғор билим ва технологияларини жорий этиш орқали муҳим хом ашё ресурслари соҳасида шериклик масаласи бўлиб, бу ўринда гап геология разведкаси, жадал ўзлаштириш, қайта ишлаш, юқори қўшилган қийматли маҳсулотлар ишлаб чиқариш, Германия ва Европа Иттифоқининг бошқа мамлакатларига етказиб бериш лойиҳалари ҳақида бормоқда.

Тўртинчиси - “яшил” энергетика.

Энергетика вазирликлари, корпорациялар, операторлар, илмий ташкилотлар, лойиҳа институтлари ва тармоқ экспертларини жалб этган ҳолда Марказий Осиё мамлакатларининг Германия билан Энергетик мулоқотини йўлга қўйиш имкониятларини кўриб чиқиш таклиф этилди.

Бешинчиси - иқлим ўзгаришларига биргаликда жавоб қайтариш.

Марказий Осиё университети негизида атроф-муҳит ва иқлим ўзгаришини ўрганиш бўйича қўшма таълим дастурлари ва илмий алмашинувларни кенгайтириш, шунингдек, Германиянинг сувдан оқилона фойдаланиш технологияларини жорий этиш, суғориш тизимларини модернизация қилиш, биологик хилма-хилликни сақлаш, эколог мутахассислар тайёрлаш бўйича ҳамкорлик дастурларини қабул қилиш айни муддаолиги қайд этилди.

Олтинчидан, транспорт коммуникацияларининг, жумладан, ер усти ва ҳаво ташувларининг заиф ривожланганлиги шериклигимизни чуқурлаштиришда энг катта тўсиқ бўлаётгани таъкидланди.

Давлатимиз раҳбари Германия томонини Марказий Осиёни Европа билан боғлайдиган муқобил транспорт йўлакларини ривожлантиришга, бунинг учун Европа институтларини жалб қилишда кўмаклашишга чақирди.

Халқаро майдонда сақланиб турган сиёсий кескинлик давлатларни ҳамкорлик учун муқобил вариантларни излашга, ўзаро алоқаларни мустаҳкамлаш билан бирга уларни янги босқичга олиб чиқишга ундамоқда. Дунёнинг етакчи давлатлари бундай вазиятда демографик жиҳатдан тез ўсаётган, улкан табиий бойлик заҳираларига эга Марказий Осиёни катта имконият ва ишончли ҳамкор сифатида кўрмоқда. Минтақа ҳам бу чақириққа муносиб жавоб қайтариб, ўз салоҳиятини намоён қилаётгани янги давр учун муҳим қадамдир.

Интернет материаллари асосида Аҳмад ҚУРБОНОВ тайёрлади.

ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИНИНГ ФАОЛИЯТИНИ КУЗАТСАНГИЗ, УНИНГ ҚАНЧАЛИК ҚИЗИҚ ВА МАСЪУЛИЯТЛИ ЖАРАЁН ЭКАНИГА ЯНА БИР БОР АМИН БЎЛАСИЗ. БАЪЗИДА ДЕПУТАТЛАР ЖУДАЯМ ФАОЛ, ҲАР БИР МЕЪЁРГА СИНЧКОВ, БАЪЗИДА ЭСА АЙРИМ ЛОЙИҲАЛАР САВОЛ ВА МУҲОКАМАЛАРСИЗ МАЪҚУЛЛАНАДИ.

АСОС ТАЛАБ ҚИЛИНАДИ



Албатта, бунда лойиҳа ижодкорлари ҳамда масъул қўмитанинг ўрни муҳимдир. Яъни, улар қонунни пухта ишлаб, меъёрига етказиб, сўнгра муҳокамага олиб киришган бўлади. Қуйи палатанинг кеча бўлиб ўтган навбатдаги йиғилишида ҳам шундай ҳолатга гувоҳ бўлдик.

Мажлисда кўрилган “Одам савдоси жинояти учун жазо чоралари кучайтирилаётганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 135-моддасига ўзгартириш киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси бир варакайига учта ўқишдан ўтиб, Сенатга жўнатилди.

Депутатларимиз лойиҳа ҳаётга қанчалик тез татбиқ этилса, шунча яхши, деган қарашда якдил эдилар, назаримизда.

Таъкидлаш лозимки, кейинги йилларда мамлакатимизда инсон манфаатлари ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий асосларини тубдан такомиллаштириш, одам савдосига қарши курашиш, мазкур жиноятдан жабрланганларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашга қаратилган кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Шу билан бирга ҳали-ҳамон одам савдоси билан боғлиқ жиноятлар содир этилаётгани ҳаётий ҳақиқат. Инсоний қадр-қимматга дахл қилиш билан боғлиқ бу каби ҳуқуқбузарликлар, жумладан, одам савдоси жинояти учун мутаносиб санкциялар белгиланмаган.

Юқорида келтирилган қонун лойиҳасида Жиноят кодексига одам савдоси жиноятини содир этганларга нисбатан жазо чораларини кучайтириш билан боғлиқ ўзгартириш киритиш назарда тутилмоқда. Айтайлик, ҳомиладор аёлга нисбатан содир этилган одам савдоси, шунингдек, муқаддам одам ўғирлаш жиноятига қўл урган шахслар томонидан одам савдоси жинояти содир этилишини оғирлаштирувчи ҳолат сифатида белгилаш таклиф қилинди.

Бундан кўриниб турибдики, қонуннинг қабул қилиниши одам савдоси жиноятларининг олдини олиш самарадорлигини ошириш билан бирга, болалар ва хотин-қизлар ҳуқуқлари билан боғлиқ халқаро индексларда мамлакатимизнинг ўрнини яхшилашга хизмат қилади.

Йиғилишда кўрилган “Қишлоқ хўжалиги кооперативи тўғрисида”ги қонун лойиҳаси эса баҳс-мунозараларга сабаб бўлди.

Қонун лойиҳасида қишлоқ хўжалиги кооперативларини ташкил этиш, кооператив аъзолигига қабул қилиш, назорат қилиш, ташқи аудит, бошқариш, қайта ташкил этиш ва тугатиш, давлат ва кооперативлар ўртасидаги ҳамда мулкий муносабатларни тартибга солиш масалалари кўзда тутилган.

Хусусан, қишлоқ хўжалиги кооперативи жисмоний ва юридик шахсларнинг ихтиёрий равишда бирлашиб, эгалик қиладиган ва демократик йўл билан бошқариладиган, аъзоларининг моддий ва бошқа эҳтиёжларини қондириш учун пай усулига асосланган қишлоқ хўжалигида фаолият юритувчи мустақил ва тижорат ташкилот экани белгиланмоқда.

Шунингдек, белгиланаётган нормалар кичик ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш, улар фаолиятини мувофиқлаштириш, давлат томонидан шарт-шароитлар яратиш, молиялаштириш бўйича рағбатлантирувчи чора-тадбирларни қўллаш масалаларини ҳам қамраб олади.

Бир қарашда лойиҳанинг мақсади ҳамма учун тушунарли ва маъқулдек. Лекин лойиҳанинг ҳар бир меъёрини таҳлилдан ўтказган депутатлар қонун ижодкорларига кўплаб саволлар билан мурожаат қилишди.

Муҳокамалар давомида қонун лойиҳасига кооперативлар устидан назорат ва манипуляция қилишга имкон берадиган Кооперативлар уюшмаси тузиш билан боғлиқ 8-бобга палата Спикери ҳам, депутатлар ҳам эътироз билдирди.

Қонунда кооперативларни назорат қилиши керак бўлган Кооперативлар уюшмасига мунтазам тушум, ихтиёрий мулкий бадаллар ва хайрия тушумлари ҳақида сўз юритилган. Спикернинг фикрича, бу уюшма кооперативларнинг фаолиятини орқага тортади. Яъни, у кооперативларни назорат қиладиган вазирликка айланиб қолиши мумкин. Айрим депутатлар ҳам мазкур масалада ўзларининг фикрларини билдириб, меъёрни лойиҳадан олиб ташлашни таклиф қилди.

Узоқ давом этган муҳокамадан сўнг йиғилишнинг ўзида лойиҳага керакли тузатишлар киритилиб, иккинчи ва учинчи ўқишлардан ўтказилди ва Сенатга юборилди.

“Темир йўл транспорти тўғрисида”ги қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда кўриб чиқилди.

Ушбу қонун билан соҳада соғлом рақобат муҳитини яратиш, хусусий секторни кенг жалб қилиш, темир йўл транспортини монополиядан чиқариш мақсадида ташувчи ва вагонлар, (контейнерлар) оператори ҳуқуқ ва мажбуриятлари белгилаб берилмоқда. Айниқса, йўловчи ташиш соҳасини янада ривожлантириш, бунинг учун давлат-хусусий шерикликнинг ҳуқуқий асосларини яратиш, инвестицияларни жалб этишни кенгайтириш ҳамда йўловчиларга юқори даражада хизмат кўрсатилишини таъминлаш имкониятларини оширишда нодавлат сектор иштирокини рағбатлантириш асослари яратилмоқда.

Ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқароларни қўллаб-қувватлаш мақсадида темир йўл транспортида бу тоифадаги йўловчиларнинг имтиёзли юриши, ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳам кўрсатилмоқда.

Шу билан бирга, умумий фойдаланишдаги темир йўл транспорти инфратузилмаси объектлари давлат тасарруфида қолдирилмоқда. Вокзаллар ва вагонлар давлат-хусусий шериклик шартномалари асосида қуриш, модернизация қилиш ва бошқариш учун хусусий шерикка берилиши белгиланяпти.

Депутатларнинг айтишича, мазкур қонун лойиҳасининг қабул қилиниши темир йўл транспортини тартибга солиш ва бошқариш тузилмасини такомиллаштиришга, фуқароларнинг темир йўл транспортида ҳаракатланишида сифат даражасини ошириш, нархни тушириш, йўловчи ва юкларни хавфсиз ташишга бўлган эҳтиёжларини қаноатлантиришга, хорижий инвестицияларни кенг жалб этишга хизмат қилади.

Муҳокама давомида айрим масалар ҳал этилиши кераклиги қайд этилди. Жумладан, темир йўл транспортидан текин фойдаланишда нега “Ўзбекистон Қаҳрамони” унвонини олганлар чиқариб ташланаётгани, имтиёз берилаётганлар қайси асосга кўра белгиланаётгани қонунда аниқ асосланиши керак, деган фикрлар янгради.

Натижада лойиҳанинг муҳокамаси кейинги мажлисда давом этиши белгиланди.

Шу тариқа қуйи палатанинг яна бир йиғилиши якунланди. Кун давомида депутатлар катта ҳажмдаги қонун лойиҳаларини муҳокамадан ўтказишди.

Юқорида айтганимиздек, қайсидир қонунлар бир кунда Сенатга жўнатилди, қайсидирлари кейинга қолдирилди. Бу Қонунчилик палатаси учун нормал иш фаолияти, десак ҳам бўлади.

Ўз мухбиримиз.

ДАСТУР ВА ИЖРО

Лазиза ШЕРОВА,
“ЎЗбекистон овози” мухбири.

Халқ демократик партияси 2019 йили Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгашлар депутатлари сайловлари олдидан 12 қадамни ўзида мужассам этган, 82 банддан иборат сиёсий-ижтимоий мақсадларни қамраб олган Сайловолди дастурини қабул қилган эди. Ўрганишлар кўрсатмоқдаки, ҳозирга қадар уларнинг 70 дан ортиғи амалга ошди. Энг муҳими, партиянинг ижтимоий идеали бўлган ижтимоий демократик давлатни барпо этиш тамойили Конституцияда муҳрланди.
Хабарингиз бор, дастур ижроси доирасидаги амалий ишлар ҳақида газетамизнинг ҳар бир сонида маълумот бериб боряпмиз. Бу гал ҳам айни анъанани давом эттирамиз.



ИЖТИМОИЙ ТЕНГЛИК ВА БИРДАМЛИК ЙЎЛИДА





ЖАМИЯТНИНГ ҲАР БИР АЪЗОСИ ТЕНГ ҲУҚУҚЛИДИР!

Ҳуқуқлар ва имкониятлар тенглигига эришиш инсорпарвар жамият учун асосий мезондир. Ушбу мезон олий мақсадга айланган мамлакат ҳамма даврда барқарор ривожланган.

Ҳуқуқлар ва имкониятлар тенглигини ногиронлиги бўлган инсонларнинг манфаатлари ҳимоясида ҳам яққол кўриш мумкин. Зотан, ҳар бир шахс жисмоний, ижтимоий-иқтисодий ҳолатидан қатъи назар, жамиятда тенг имкониятларга эга бўлиши муҳим. Бу Халқ демократик партияси илгари сурган позициялардан бири.

Сир эмаски, яқин-яқингача ногиронлиги бўлган шахсларга нисбатан “муаммо” сифатида, “меҳнатга лаёқатсиз” деб ачиниш ҳисси билан қарашдек нотўғри муносабатга дуч келар эдик. Бундай инсонларнинг манфаатларини қатъий туриб ҳимоя қилиш Халқ демократик партияси депутатлари ва фаоллари фаолиятида устуворлик касб этди. Бундан ташқари, БМТнинг Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенциясини ратификация қилиш, миллий қонунчиликни БМТнинг ногиронлар учун тенг имкониятларни таъминлаш бўйича меъёрий қоидаларига мувофиқлаштириш масалалари ҳам диққат-эътиборда бўлди.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, дунёда 1 миллиарддан ортиқ одамда ногиронлик қайд этилган. Бу дунё аҳолисининг тахминан 15 фоизини ногиронлиги бор шахслар ташкил этади, дегани. Ўзбекистонда ҳам шу тоифадаги инсонлар сони қарийб 1 миллионга яқин.

Маълумки, юртимизда ҳар йили ногиронлиги бўлган шахсларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш учун давлат бюджетидан катта маблағ ажратилади. Мақсад эса уларни жамиятнинг фаол қатламига айлантириш учун имконият яратишдир. Ногиронлиги бўлган фуқароларнинг жамиятга интеграциясини тезлаштириб, уларнинг иқтисодий фаоллигини ошириш учун амалда “тўсиқсиз муҳит”ни қарор топтириш ҳар қачонгидан долзарб.

Хўш, ўтган беш йил давомида бу борада қилинган ишлар ва реал натижалар ҳақида нима дейиш мумкин?

2020 йилда “Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида”ги қонун қабул қилинди. Қонун билан Ўзбекистонда ижтимоий адолат тамойилига амал қилиш, ёрдам ва қўллаб-қувватлашга муҳтож, биринчи навбатда жисмоний имконияти чекланган одамларга тўлақонли ҳаёт кечириш учун шароит яратиш масаласига алоҳида аҳамият қаратилди.

Қонуннинг 6-моддасида ногиронлик белгисига кўра камситилишга йўл қўймаслик тамойили акс эттирилган. Унга кўра, ногиронлиги бўлган шахсларга нисбатан ҳар қандай ажратиб қўйиш, истисно этиш, четлатиш, чеклаш ёки афзал кўриш ҳолатлари, шунингдек, ногиронлиги бўлган шахсларнинг объектлар ва хизматлардан фойдаланиши учун шарт-шароитлар яратишни рад этиш тақиқланди.

Бунинг мантиқий давоми сифатида 2021 йилда “Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенцияни (Нью-Йорк, 2006 йил 13 декабрь) ратификация қилиш ҳақида”ги қонун имзоланди.

Конвенциянинг ратификация қилиниши ногиронлиги бўлган шахсларни ижтимоий ҳимоя қилиш тизимининг халқаро норма ва стандартларга мослашиши, бу йўлда халқаро ташкилотларнинг мақсадли ресурсларини жалб қилиш имкони кенгайиши ҳамда мамлакатимизнинг халқаро имижи янада яхшиланишига хизмат қилади.

2023 йил 27 февралда “Ногиронлиги бўлган шахсларни қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Президент қарори имзоланди.

Қарорда ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқларининг кафолатларини мустаҳкамлаш, инклюзив ривожланиш, аҳолининг барча қатламлари тенг ҳуқуқ ва имкониятларга эга бўлишини таъминлашнинг самарали механизмларини жорий этиш, ногиронлиги бўлган шахсларнинг жамият ҳаётининг барча соҳасида иштирок этиши учун зарур шарт-шароитлар яратиш мақсад қилинган.

Жумладан:

– ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқий кафолатларини мустаҳкамлаш ва уларга юридик ёрдам кўрсатиш тизимини такомиллаштириш,

– «Ижтимоий ҳимоя ягона реестри»га киритилган ҳамда I гуруҳ ногиронлиги бўлган шахсларни сон протези, болдир протези ва оёқ камари ортопед аппаратлари билан бепул таъминлаш,

– 2023 йил 1 сентябрдан бошлаб ногиронлиги бўлган шахсларни протез-ортопедия мосламалари ва реабилитация қилишнинг техник воситалари билан таъминлашда ногиронлиги бўлган шахслардан тиббий хулоса талаб этишни бекор қилиш каби ҳуқуқий кафолатлар, бепул ижтимоий ёрдам ва уларни ортиқча оворагарчиликдан халос қилувчи масалалар кўзда тутилган.

ПРОТЕЗ-ОРТОПЕДИЯ ВОСИТАЛАРИ БИЛАН ТАЪМИНЛАШДАГИ ИМТИЁЗЛАР

ЎзХДП Сайловолди дастурида тегишли соҳаларда самарали депутатлик ва жамоатчилик назоратини амалга ошириш орқали аҳолининг алоҳида тоифаларига ажратиладиган дори воситалари, протез-ортопедия воситалари ва бошқа тиббий-ижтимоий ёрдамни имтиёзли тақдим этиш тизимини такомиллаштиришга кўмаклашиш вазифаси белгиланган эди.

Ушбу вазифа ижроси ҳақида партиянинг парламентдаги фракцияси аъзоси Мавжуда Ҳасанова қуйидагиларни гапириб берди:

–Таъкидлаш керакки, мамлакатимизда ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, кафолатлаш, уларга тенг имконият яратиш бўйича қонунчиликнинг ҳам миллий, ҳам халқаро асослари яратилмоқда. БМТнинг Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенцияси ратификация қилиниши давлат ва жамият зиммасига катта масъулият олганини англатади. Шу билан бирга Конвенция, қонун ва бошқа меъёрий ҳужжатлар қабул қилиш вазият бирданига тубдан ўзгариб кетади дегани эмас, албатта. Ҳуқуқий асосларни мустаҳкамлаш бирламчи муҳим қадам эди.

Давлатимиз раҳбарининг 2023 йил 11 сентябрда “Ўзбекистон – 2030” стратегиясини 2023 йилда сифатли ва ўз вақтида амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Унга мувофиқ, 2024 йил 1 январдан бошлаб ногиронлиги бўлган шахсларни протез-ортопедия буюмлари, реабилитация ҳамда дори воситалари билан таъминлаш ишлари «ваучер» тизими асосида босқичма-босқич ташкил этиладиган бўлди. Бунда ногиронлиги бор шахсларга товар ва хизматларни ўзлари танлаган етказиб берувчидан харид қилиш имконияти яратилади ва уларнинг харажатлари Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қоплаб берилади. Бинобарин, “Ўзбекистон – 2030” стратегиясида ногиронлиги бўлган муҳтож шахсларнинг сифатли ва замонавий протез-ортопедия буюмлари билан таъминланиш даражасини юз фоизга етказиш назарда тутилган.

Яна бир эътиборга молик муҳим жиҳатга тўхталсам. Бугунги кунда кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларни ҳар йили бепул тиббий-ижтимоий хизматлар билан қамраб олиш кўлами 80 минг нафардан 120 минг нафарга ортди. “Саховат” ва “Мурувват” интернат уйларида давлат таъминотига олинган шахслар сони 14 фоизга ошиб, 9,3 минг нафарни ташкил этмоқда. Реабилитация техник воситалари ва протез-ортопедия буюмлари билан таъминлаш деярли каррасига кўпайди. Муҳтож фуқароларнинг ўзи танлаган ишлаб чиқарувчидан ушбу маҳсулотларни олишларини таъминловчи тизим жорий қилинди.

Маълумки, юртимизда ҳар йили ногиронлиги бўлган шахсларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш учун давлат бюджетидан катта маблағ ажратилади. Мақсад эса уларни жамиятнинг фаол қатламига айлантириш учун имконият яратишдир.

ТАЪЛИМ ОЛИШГА ТЎСҚИНЛИК ҚИЛУВЧИ ҲАР ҚАНДАЙ ҲАРАКАТЛАР ТАҚИҚЛАНДИ

Инклюзив таълим моҳиятан ногиронлиги бор болалар ҳам соғлом тенгдошлари билан битта мактабда, битта синфда ўқишини англатади. Яъни, у барча учун мўлжалланган таълим. Бу мактабгача, ўрта ва олий таълимни қамраб олади. Инклюзив таълим ногиронлиги бўлган ўғил-қизларга нисбатан ҳар қандай камситишни истисно этадиган, барча учун тенг муомалани таъминлайдиган, махсус таълим эҳтиёжига эга болалар учун зарур шароит яратадиган мафкурага асосланади.

Таҳлилларга кўра, агар мактабларда инклюзив таълим билан қамраб олиш учун шароит яратилса, ногиронлиги бор 16 ёшгача болаларнинг 80 фоизидан ортиғи бемалол мактабга бора олади. Шунда ногиронлиги бор бола тенгдошларидан ўзини айро ҳис қилмайди, ишончи ошади, интилиши кучаяди.

Шундан келиб чиқиб, партиямиз Сайловолди дастурида инклюзив таълимни янада ривожлантириш ва шу соҳада фаолият кўрсатаётган ўқитувчиларга имтиёзлар тақдим этиш бўйича муҳим вазифалар белгиланган эди. Хусусан, бунда ногиронлиги бўлган болалар учун махсус адабиётларни, жумладан, овоз жўрлигидаги Брайль алифбоси асосида чоп этиш ва харид қилиш, ушбу мақсадлар учун харажатларни давлат бюджетидан молиялаштиришни таъминлашга эришиш қайд этилди.

Бевосита электоратимиз манфаатлари билан боғлиқ ушбу вазифалар ижроси бўйича ХДП фаолларига юзландик.

– Таълим муассасаларида сифатли таълим олиш ва малака ошириш учун тенг имкониятлар яратилмоқда, – дейди партия Марказий Кенгаши шўъба мудири Баҳодирхон Камолов. – Халқ таълими тизимида инклюзив таълим йўлга қўйилди. Мамлакатимизда ногиронлиги бўлган шахсларни барча даражада сифатли таълим олиши учун тенг имкониятлар яратилмоқда.

Фракция аъзолари ва халқ депутатлари Кенгашларидаги партия гуруҳлари билан ҳамкорликда Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонунидаги тегишли меъёрлар ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 13 октябрдаги “Алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болаларга таълим-тарбия бериш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорида белгиланган вазифалар ижроси устидан тизимли равишда парламент ва депутатлик назорати амалга оширилди. 2020 йил 23 сентябрда қабул қилинган янги таҳрирдаги “Таълим тўғрисида”ги қонунга илк бор инклюзив (уйғунлашган) таълим тушунчаси киритилди.

Ўзбекистон умумтаълим мактабларида инклюзив таълимни жорий этиш режаси белгилаб олинди. Унга кўра, 2025 йилгача алоҳида таълимга эҳтиёжи бор болаларнинг 40 фоизи одатий мактабларга жалб қилиниши кўзда тутилган. Бунинг учун жадал амалий ҳаракатлар қилиняпти. БМТнинг Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги, Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенциялари халқаро тажрибани уйғунлаштиришда қўл келмоқда. Давлатимиз раҳбарининг БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг 46-сессиясида билдирган имконияти чекланган шахсларнинг ўз қобилиятини тўла рўёбга чиқариш масалалари бўйича минтақавий кенгаш тузиш борасидаги таклифини эса ногиронлиги бўлган кишилар ҳимоясига қаратилган яна бир катта ташаббус, дейиш мумкин.

ҲАЁТ УЧУН КЕРАК

Бепул ижтимоий хизматлар рўйхати тасдиқланиши ва қўлланишига эришилгани партия қўлга киритган яна бир залворли натижалардан дейиш мумкин. “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри”га киритилган аҳолининг зарур товар ва хизматлар учун қилган харажатларига қўшилган қиймат солиғи қайтарилиши жорий этилди. Натижада 2 млн.дан ортиқ оилага енгиллик яратилди.

Мақсад ҳар бир инсоннинг ҳаётий зарур ижтимоий хизматлардан бепул фойдаланишини қонунчилик даражасида ва реал ҳаётда кафолатланишига муваффақ бўлиш эди. Хусусан, фуқароларнинг таълим олиш, ижтимоий ҳимоя, малакали юридик хизматдан фойдаланиш ҳуқуқларини кафолатлаш айни зарурат ҳисобланади.

– Бугунги кунда ижтимоий хизматлар соҳаси замонавий фуқаролик жамиятининг ўзига хос институти сифатида намоён бўлмоқда. Ижтимоий хизматларнинг институтлашуви масаласи хорижий давлатлар ижтимоий-иқтисодий ривожланиш концепцияларида ҳам ўз аксини топмоқда, – дейди партия Марказий Кенгаши бошқарма бошлиғи Аброр Қурбонов. – Давлат ва одамлар ўртасидаги муносабатлар кейинчалик профессионал характерга эга бўлган ижтимоий хизматларга айланади. Ижтимоий хизматлар, деб асосан соғлиқни сақлаш, фан, таълим, маданият каби соҳаларда кўрсатиладиган хизмат турларига айтилади. Улар очиқлик, шаффофлик, ошкоралик тамойилларига таянади.

Ижтимоий хизматлардан бепул, бемалол фойдаланиш имкониятини яратиш дегани ҳамма нарса текин бўлсин деган мазмундан, ожиз мафкурадан бутунлай йироқ. Бу ўринда асосий масала фуқароларнинг ижтимоий ҳолати, келиб чиқиши, иқтисодий имкониятларидан қатъи назар, уларга Конституциядаги ҳуқуқларини амалга ошириш учун шароит яратилиши билан боғлиқдир.

Масалан, бола қандай оилада туғилмасин, бошланғич ва мактаб таълимини олиши зарур, буни давлат кафолатлайди. Инсон бемор бўлиб, ҳаётига хавф юзага келганда, давлат соғлиқни сақлаш тизими орқали уни ҳимоялаш чораларини кафолатлаши муҳим. Инсон шаъни, қадр-қимматини асраш, ўзини ҳимоя қилишга муҳтож бўлиб қолганда, ижтимоий, иқтисодий ҳолатидан қатъи назар, унинг устувор ҳуқуқлари таъминланиши керак.

Бошқачасига айтганда, давлат томонидан кафолатланган ижтимоий хизматлар давлат ва жамиятни ўзаро ишонч, масъулият билан боғлаб турувчи муҳим институтлардан биридир. Халқ демократик партияси кўзлаган мақсад ҳуқуқлар ва имкониятлар тенглиги деган ҳаётий тамойилга, халқимизнинг тарихий турмуш тафаккурига асосланган яққол тушунарли.

Ижтимоий хизматлар бўйича давлат раҳбарининг 2020 йил 4 августда “Аҳолига давлат ижтимоий хизматлари ва ёрдам тақдим этиш тартиб-таомилларини автоматлаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” қарори қабул қилинди. Унга кўра, “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри”да рўйхатга олинган оилаларга бепул ёки имтиёзли шартларда қатор ижтимоий хизматлар ва ёрдамлар кўрсатилиши йўлга қўйилди. Жумладан, давлат мактабгача таълим муассасаларида ота-оналар тўловидан озод этиш, мактабгача таълим муассасаларида ўрнатилган миқдорларда ота-оналар тўловини тўлаш, умумий ўрта таълим мактабларида дарсликлар ижара тўловларидан озод этиш, умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчилари учун қишки кийим-бош бериш белгиланди. Кам таъминланган оилаларнинг ногиронлиги бўлган аъзоларини протез-ортопедия мосламалари билан таъминлаш назарда тутилди. Ихтисослаштирилган тиббиёт муассасаларида бепул махсус (амбулатор ёки кундузги) тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича йўлланма (ордер) олиш каби ижтимоий хизматлар белгиланди.

“Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизими нафақат ижтимоий хизматлар ва ёрдамнинг манзиллилигини ошириш имконияти, балки ҳар қандай мураккаб шароитда ҳам аҳолининг эҳтиёжманд қисмини қисқа муддатларда аниқлаш, уларни давлат томонидан манзилли қўллаб-қувватлашнинг шаффоф ва самарали воситасига айланиб боряпти.

Умуман олганда, ижтимоий хизматлар соҳасининг ташкилий-ҳуқуқий асосини такомиллаштириш кейинги 4-5 йил ичида сезиларли жонланди. Асосийси, эндиликда муҳтож одамлар керак пайтда зарур хизматлардан фойдаланиш имкониятига эга бўлмоқда. Бу давлатнинг нафақат масъулияти, балки иқтисодий кучқудрати ҳам халқимиз эҳтиёжларига муносиб даражада ошаётганини билдиради.

Факт ва далиллар Халқ демократик партияси дастурида белгилаб олган ҳар бир инсоннинг ҳаётий зарур ижтимоий хизматлардан бепул фойдаланишини қонунчилик даражасида ва реал ҳаётда кафолатлаш мақсадига босқичма-босқич эришилаётганини тасдиқлайди. Бу бутун давлат ва жамиятимизнинг салмоқли ютуғидир.

ҲАМКОРИМИЗ

“ЎЗСУВТАЪМИНОТ”: ЯНА 5 МИЛЛИОН АҲОЛИ ИЧИМЛИК СУВИ БИЛАН ТАЪМИНЛАНАДИ



Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ,
“Ўзбекистон овози” мухбири.

ЮРТИМИЗ ОЛИС ҲУДУДЛАРИНИНГ СУВ ТАЪМИНОТИНИ ЯХШИЛАШ БЎЙИЧА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИШЛАР, ЯНГИ ЛОЙИҲАЛАР ВА ИСТИҚБОЛДАГИ РЕЖАЛАРГА БАҒИШЛАНГАН МАТБУОТ АНЖУМАНИ БЎЛИБ ЎТДИ. УНДА “ЎЗСУВТАЪМИНОТ” АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ МАСЪУЛЛАРИ МАВЗУ ЮЗАСИДАН ЖУРНАЛИСТЛАРНИ ҚИЗИҚТИРГАН САВОЛЛАРГА ЖАВОБ БЕРДИЛАР.



ИЧИМЛИК СУВИ ТАЪМИНОТИНИ ЯХШИЛАШГА 20 ТРИЛЛИОН СЎМГА ЯҚИН МАБЛАҒ ЙЎНАЛТИРИЛГАН. УШБУ МАБЛАҒЛАР ҲИСОБИДАН 2 МИНГ 916 ТА СУВ ИНШООТИ ВА 43 МИНГ КМГА ЯҚИН ЯНГИ ТАРМОҚЛАР ТОРТИЛИШИ НАТИЖАДА АҲОЛИНИНГ МАРКАЗЛАШГАН ИЧИМЛИК СУВИ БИЛАН ТАЪМИНЛАНГАНЛИК ДАРАЖАСИ 77 ФОИЗГА ЕТДИ. 2017 ЙИЛДА БУ КЎРСАТКИЧ 63 ФОИЗ БЎЛГАН.

Таъкидланганидек, сўнгги етти йилда аҳолининг ичимлик суви таъминотини яхшилашга 20 триллион сўмга яқин маблағ йўналтирилган. Ушбу маблағлар ҳисобидан 2 минг 916 та сув иншооти ва 43 минг кмга яқин янги тармоқлар тортилиши натижада аҳолининг марказлашган ичимлик суви билан таъминланганлик даражаси 77 фоизга етди. 2017 йилда бу кўрсаткич 63 фоиз бўлган.

– Ўтган даврда 8 миллионга яқин аҳоли илк бор марказлашган ичимлик суви билан таъминланиб, 14,5 миллион истеъмолчи таъминоти яхшиланди, – дейди “Ўзсувтаъминот” АЖ бошқарма бошлиғи Ислом Абдуллаев. — Шунингдек, сув таъминоти корхоналарининг ўз маблағлари ҳисобидан сув иншоотлари, магистраль сув тармоқлари, маҳалла ва кўча бошларига 4,5 мингта замонавий сув ҳисоблагичлар ўрнатилди.

Жамият томонидан жорий йил 1 сентябрь ҳолатига 1 миллиард 101,2 миллион сўм маблағ ҳисобидан 1 200,8 км ичимлик, 184,2 км оқова сув тармоқлари тортилди ва 95 та ичимлик, 15 та оқова сув иншоотини қуриш ҳамда қайта таъмирлаш ишлари амалга оширилди.

Олис аҳоли манзилларида сув таъминоти билан боғлиқ муаммолар ечимига қаратилган тизимли ишлар изчил давом эттирилади. Жумладан, 2025 йилги ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастурига асосан юздан ошиқ ичимлик ва оқова сув иншоотларида қурилиш-монтаж ишлари бажарилади.

Халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотларининг жами 2,4 миллиард доллар маблағлари ҳисобидан сув таъминотини яхшилашга доир 25 та лойиҳа амалга оширилаётган бўлса, яна 1,9 миллиард долларлик 20 та янги истиқболли лойиҳани рўёбга чиқариш чоралари кўрилмоқда. Ушбу 25 та лойиҳа эвазига 9 минг 975 км ичиимлик суви, 3 381 км оқова сув тармоқлари ҳамда 600 дан ошиқ иншоот қурилади ва реконструкция қилинади.

Матбуот анжуманида янги лойиҳалар ҳисобидан яна 5 миллион нафар аҳоли тоза ичимлик суви ва 3 миллион истеъмолчи марказлашган оқова сув тизими билан таъминланиши айтиб ўтилди.

АСОСИЙ СТАВКА ЙИЛЛИК 13,5 ФОИЗ ДАРАЖАСИДА ҚОЛДИ



МАРКАЗИЙ БАНК МАТБУОТ ХИЗМАТИНИНГ МАЪЛУМ ҚИЛИШИЧА, РЕГУЛЯТОР ИНФЛЯЦИЯНИ ЙИЛ ЯКУНИГА ҚАДАР ПРОГНОЗ КЎРСАТКИЧЛАРИГАЧА ПАСАЙТИРИШ ВА ЎРТА МУДДАТЛИ ИСТИҚБОЛДА 5 ФОИЗЛИК ТАРГЕТГА ЭРИШИШ МАҚСАДИДА АСОСИЙ СТАВКАНИ 13,5 ФОИЗ ДАРАЖАСИДА ЎЗГАРИШСИЗ ҚОЛДИРИШ ТЎҒРИСИДА ҚАРОР ҚАБУЛ ҚИЛГАН. ИҚТИСОДИЁТДАГИ ЮҚОРИ ТАЛАБ ҲАМДА АЙРИМ ТУРДАГИ ОЗИҚ-ОВҚАТ ТОВАРЛАРИ ВА ЭНЕРГИЯ РЕСУРСЛАРИ НАРХИДА КУЗАТИЛГАН ЎСИШ СУРЪАТЛАРИ ПУЛ-КРЕДИТ ШАРОИТЛАРИНИНГ ҚАТЪИЙЛИГИНИ ЖОРИЙ ДАРАЖАДА САҚЛАБ ҚОЛИШНИ ТАҚОЗО ЭТМОҚДА.

Қайд этилишича, умумий инфляция сўнгги уч ойда сезиларли ўзгаришсиз сақланиб, августда йиллик 10,5 фоизга тенг бўлди. Жорий йилда мева-сабзавотлар нархи пасайиши инфляцияга қарийб 1 фоиз бандлик пасайтирувчи таъсир кўрсатди. Шу билан бирга, йил бошидан пасайиш тенденциясига эга бўлган базавий инфляция июнь ойидан кейин йиллик ҳисобда пасайишдан тўхтади.

Январь-июль ойларида иқтисодиётда юқори ишлаб чиқариш фаоллиги кузатилиб, ялпи талаб ва таклиф ўртасидаги тафовут қисқариб бормоқда. Хусусан, саноат ишлаб чиқариш, қурилиш ишлари ва хизматлар соҳасида реал ўсиш суръатлари ўтган йилнинг мос даврига нисбатан юқорилаган.

Иқтисодий фаолликдаги ижобий тенденциялар савдо ва пуллик хизматлар, экспорт тушумлари ва пул ўтказмалари ҳажмининг ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ошишида ҳам кузатилган.

Банк тизими умумий ликвидлигининг ошиши ҳамда асосий ставканинг июль ойида пасайтирилиши таъсирида пул бозорида фоиз ставкалари маълум даражада пастлаган. Бу эса ўз навбатида, давлат қимматли қоғозлари бозорига ҳам таъсир кўрсатиб, улар бўйича даромадлилик даражасининг пастлашувида акс этган.

Марказий банкнинг прогноз қилишича, келгусида ҳам иқтисодиётдаги юқори инвестицион ва истеъмол фаоллиги ялпи талабни қўллаб-қувватлашда давом этади. Давлат бюджети харажатлари ва тўғридан-тўғри инвестицияларнинг фаоллашуви инвестицион талабни таъминласа, хориждан пул ўтказмалари ҳажмининг юқорилиги аҳолининг реал даромадларига ижобий таъсир кўрсатади. Шунингдек, сентябрь-октябрь ойларида пенсиялар ва бюджет ташкилотларида иш ҳақларининг оширилиши келгуси чораклларда истеъмол талабини рағбатлантиришга хизмат қилади.

Алмашув курси динамикаси ва озиқ-овқат маҳсулотлари нархининг барқарор шаклланаётгани аҳоли ва тадбиркорлар инфляцион кутилмаларига ижобий таъсир кўрсатиб, июль ойида кутилмалар 11-12 фоизгача пасайган бўлса, август ойида пенсия ва давлат секторида иш ҳақларининг кутилаётган ошиши ва ёқилғи ресурсларининг қимматлашиши таъсирида 12-13 фоизни ташкил қилган.

Ташқи савдо балансининг яхшиланиши ва пул ўтказмалари ҳажмининг сезиларли ошиши натижасида жорий операциялар ҳисобварағи тақчиллигининг ҳам қисқариб бориши кутилмоқда. Бу эса алмашув курсига эҳтимолий фундаментал босимларнинг камайишига хизмат қилади.

Пул-кредит шароитларининг жорий қатъий даражасининг сақланиши иқтисодиётда юқори жамғариш фаоллиги ва миллий валютадаги депозитлар жозибадорлигини ошириб, ялпи талабнинг мувозанатлашувига ва инфляциянинг пасаювчи динамикасини шакллантиришга ёрдам беради.

Ўрта муддатли истиқболда Марказий банк инфляциянинг 5 фоизлик таргетига эришишга қаратилган қатъий пул-кредит шароитларини таъминлашда давом этади. Бунда иқтисодиётдаги талаб ва таклиф мутаносиблиги ҳамда инфляцион омиллардан келиб чиқиб қарорлар қабул қилинади.

Маълумот ўрнида яна шуни айтиш мумкинки, Марказий банк бошқарувининг асосий ставкани кўриб чиқиш бўйича навбатдаги йиғилиши 2024 йил 24 октябрга белгиланган.

Эслатиб ўтамиз, июль ойида Марказий банк инфляция хавфи пасайиши фонида асосий ставкани йиллик 13,5 фоизгача пасайтирган эди. Асосий ставка етти йил ичида биринчи марта 14 фоиздан пастга тушганди.

2 ТА БАНККА ЖАРИМА САНКЦИЯСИ ҚЎЛЛАНИЛДИ

Жорий йил август ойида Марказий банк томонидан ўтказилган ўрганиш ва текшириш натижаларида аниқланган қоидабузарликлар учун 2 та банк, 1 та микромолия ташкилотига нисбатан жарима санкцияси қўлланилди.

Тўлов тизимлари операторлари ва тўлов ташкилотларининг устав фонди ва ташкилий-ҳуқуқий шаклига қўйилган талабларга, Марказий банкнинг кўрсатмаларига ва пруденциал меъёрлари талабларининг бажарилишига, шунингдек, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш қоидаларига риоя қилмагани учун 7 та микромолия ташкилоти, 2 та тўлов тизими операторлари ва 27 та тижорат банки огоҳлантирилди.

Тоштемир МУРОД.

ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

Ижтимоий ва ҳуқуқий назоратнинг самарали шакли

ЖОРИЙ ЙИЛНИНГ 7 АВГУСТИДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ “ПРОБАЦИЯ ТЎҒРИСИДА”ГИ ҚОНУНИ ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ.
АВВАЛО, ИЗОҲЛАБ ЎТИШ КЕРАККИ, ПРОБАЦИЯ - БУ МУАЙЯН ҲУҚУҚДАН МАҲРУМ ҚИЛИШ, МАЖБУРИЙ ЖАМОАТ ИШЛАРИ, АХЛОҚ ТУЗАТИШ ИШЛАРИ, ОЗОДЛИКНИ ЧЕКЛАШ ТАРЗИДАГИ ЖАЗОЛАРНИНГ ИЖРО ЭТИЛИШИНИ ТАЪМИНЛАШГА, МАҲКУМЛАРГА ИЖТИМОИЙ-ҲУҚУҚИЙ ВА ТАРБИЯВИЙ ТАЪСИР КЎРСАТИШГА, ШУНИНГДЕК, ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШГА, УЛАРНИНГ СОДИР ЭТИЛИШ САБАБЛАРИ ВА БУНГА ИМКОН БЕРАДИГАН ШАРТ-ШАРОИТЛАРНИ АНИҚЛАБ, БАРТАРАФ ЭТИШГА ҚАРАТИЛГАН ЧОРА-ТАДБИРЛАР МАЖМУИДИР.

Эълон қилинган кундан эътиборан кучга кирган Қонунга мувофиқ, пробация назоратидаги шахслар суд томонидан белгиланган тақиқларга (чекловларга) ва мажбуриятларга, жазони ўташ шартлари ҳамда тартибига риоя этиши зарур. Улар пробация хизмати ходимларининг қонуний талабларини бажариши, ижтимоий мослаштириш дастурида ва тарбиявий тадбирларда иштирок этиши лозим. Шунингдек, мажбурий ва профилактик тиббий кўрикдан, мастлик ва тан жароҳати етказилганлиги ҳолатини аниқлаш учун тиббий текширув ёки экспертизадан ўтиши, электрон кузатув воситасини (электрон браслетни) ечмаслиги ва унинг бут сақланишини таъминлаши шарт.

Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига айрим ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. Хусусан, мазкур кодекснинг 46-моддасининг янги таҳрирдаги 4-қисмига кўра, эндиликда агар шахс суд томонидан тайинланган ахлоқ тузатиш ишлари муддатининг жами 30 кундан кўпроғини ўташдан узрли сабабларсиз бўйин товласа ёки республикадан ташқарига чиқиб кетса, суд ахлоқ тузатиш ишларининг ўталмаган муддатини худди шу муддатга озодликни чеклаш ёки озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо билан алмаштиради.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 48-1-моддасига киритилган ўзгартиришга мувофиқ озодликни чеклаш жазосини ўташ талабларига аниқлик киритилиб, маҳкумга нисбатан яшаш жойидан сутканинг муайян вақтида чиқиши ўрнига, энди ишлаш ёки ўқиш вақтидан ташқари қолган вақтда уй-жойидан чиқиши чекланиши белгиланди.

Шу билан бирга, жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилиш чоғида (ЖКнинг 73-моддаси) суд асослар мавжуд бўлган тақдирда, маҳкумнинг зиммасига қуйидаги мажбуриятларни юклатиши мумкин:

- ишга ёки ўқишга жойлашиш;
- муддатидан илгари шартли озод қилинган шахснинг яшаш жойи, иш ёки ўқиш жойи ўзгарганлиги ҳақида унинг хулқ-атвори устидан назоратни амалга оширувчи органга хабар бериш;
- муайян жойларга бормаслик;
- алкоголизм, гиёҳвандлик, заҳарвандлик ёки таносил касаллигидан даволаниш курсини ўташ;
- республикадан ташқарига чиқмаслик.

Агар жазони ўташ муддатидан илгари шартли озод қилинган шахс суд томонидан ўз зиммасига юклатилган мажбуриятларни ўталмаган жазо муддати давомида бажармаса, суд унинг хулқ-атвори устидан назоратни амалга оширувчи органнинг тақдимномасига биноан уни жазони ўташ муддатидан илгари шартли озод қилишни бекор қилиш ва ўталмаган жазо муддатини ўташи ҳақидаги масалани кўриб чиқади.


Умуман олганда, янги Қонунда пробация назоратидаги шахсларни ижтимоий мослаштириш, тарбиявий таъсир кўрсатиш, хулқ-атворини баҳолаш, ижтимоий, ҳуқуқий, тиббий, психологик ёрдам кўрсатиш, даволаш, ўқитиш, касб-ҳунарга ўргатиш, ишга жойлаштиришга оид ўта долзарб ижтимоий аҳамиятга эга нормалар белгиланган. Бундан кўзланган асосий мақсад эса мураккаб ҳаётий вазиятга тушган ҳар қандай инсонни жамиятга тўла-тўкис қайтаришдан, ижтимоий мослаштиришдан иборатдир.

Эслатиб ўтамиз, ИИВ Жамоат хавфсизлиги департаментининг Пробация хизмат пробация соҳасида масъул орган ҳисобланади.

Қаҳрамон МИРСАФАЕВ,
Тошкент шаҳар суди жиноят ишлари бўйича судьяси.

САЙЛОВ – 2024





САЙЛОВ ШТАБЛАРИДА НИМА ГАП?



Лазиза ШЕРОВА,
“Ўзбекистон овози” мухбири.

ЖОРИЙ ЙИЛНИНГ 27 ОКТЯБРИДА БЎЛИБ ЎТАДИГАН ПАРЛАМЕНТ САЙЛОВЛАРИГА РОСА 38 КУН ҚОЛДИ. ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ ҲАМ МАМЛАКАТИМИЗ ҲАЁТИДАГИ БУ МУҲИМ ТАДБИРДА ЎЗИНИНГ СИЁСИЙ ПОЗИЦИЯСИНИ НАМОЁН ЭТИШ УЧУН ҚИЗҒИН ТАЙЁРГАРЛИК КЎРМОҚДА.

ХУСУСАН, ПАРТИЯНИНГ АЙНИ ЖАРАЁНДА ФАОЛ ҚАТНАШИШИ БИЛАН БОҒЛИҚ ВАЗИФАЛАРНИ САМАРАЛИ БАЖАРИШ УЧУН МАРКАЗИЙ ҲАМДА 14 ТА ҲУДУДИЙ КЕНГАШЛАРДА САЙЛОВ ШТАБЛАРИ ФАОЛИЯТ ОЛИБ БОРМОҚДА. ПАРТИЯ САЙЛОВ КАМПАНИЯСИ ДАВРИДА АҲОЛИНИНГ СИЁСИЙ ВА ҲУҚУҚИЙ САВОДХОНЛИГИНИ ЯНАДА ОШИРИШ, ЭЛЕКТОРАТ МАНФААТЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШГА ЯНАДА ҚИЗҒИН КИРИШДИ.

Сайлов кампанияси даврида сайловолди тарғиботини самарали олиб бориш учун партия томонидан барча йўналишларга алоҳида эътибор қаратиляпти.

Аввало, таъкидлаш керакки, Марказий штабда call-марказ доимий ишлаб турибди. Бу ерда партия мутахассислари сайловчилар, аҳолининг турли қатлами вакилларидан тушаётган саволларга атрофлича жавоб бермоқда. Мурожаатлар тегишлилиги бўйича бўлимларга йўналтирилиб, ечимларини топишга ҳаракат қилинаётир. Умуман олганда, штаблар сайлов кампанияси тадбирларини самарали ташкил этиш ишларига бош-қош бўлмоқда.

Сирожиддин ШОНАЗАРОВ,
ЎзХДП Тошкент шаҳар Кенгаши раиси ўринбосари:

– Фуқаролар сайлов тизимидаги янгиликлар, хусусан, пропорционал ва мажоритар сайлов тизимини уйғунлаштирган аралаш сайловларнинг аҳамияти ҳақида қизиқишмоқда. Шунингдек, Сайловолди дастуридан ўрин олган масалалар, партия илгари сураётган таклиф ва ташаббуслар, тарғибот тадбирлари, сайловолди учрашувлари ҳақида сўрашяпти.

Сайлов штабида турли йўналишларда иш жадал суръатда давом этмоқда. Айни кунларда сайловчилар, электорат вакиллари, турли соҳа вакиллари билан учрашувлар, юзма-юз мулоқот тадбирларига тайёргарлик кўрилмоқда.

Тарғибот тадбирларини замонавий усул ва форматларда ўтказиш бўйича лойиҳалар муҳокама қилинмоқда. Сайловолди учрашувларда фаол мулоқот, кўтаринки руҳиятга эришиш мақсадида очиқ майдонлар, истироҳат боғлари, турли марказларда “Open Air” форматида тадбирларни ўтказиш режалаштирилган.

Бир сўз билан айтганда, юрт ривожи учун ўз ҳиссасини қўшиш иштиёқидаги сафдошлар, партиядошлар билан соғлом рақобат муҳитида ишлаш, жамиятга юзланиш ўзига хос завқли, ноёб воқелик. Бу зиммамизга масъулият ҳам юклайди, албатта.

ХДП фаолларининг айтишича, жамиятда партия ғояларига хайрихоҳликни кучайтириш долзарб аҳамият касб этади. Шунинг учун партия штабида электорат вакиллари билан учрашувларни самарали ташкил этишга жиддий ёндашилмоқда. Жумладан, ижтимоий соҳа ходимлари, педагоглар ва тиббиёт соҳаси вакиллари, нуронийлар, хотин-қизлар ва ёшлар билан фикр алмашиш кўзда тутилмоқда.

Сайловолди дастуридаги янги ғоя ва ташаббуслар мазмун-моҳиятини мамлакатимизнинг барча ҳудудларида, маҳаллаларда фаол тушунтириш, кенг тарғиб қилиш бўйича тарғибот стратегияси тайёрланяпти.

Сайлов штабининг асосий фаолияти сайлов кампанияси бошлангандан тортиб якуний сайлов натижалари эълон қилингунга қадар давом этади. Ҳозирда сайлов штабида ҳар бир жараён аниқ режа ва чора-тадбирларга мувофиқ олиб борилмоқда.

САЙЛОВОЛДИ ШТАБИДА КЎТАРИНКИ КАЙФИЯТ ҲУКМРОН

Партия Марказий Кенгашининг сайлов штабига кириб боришингиз билан ўзингизни катта сиёсий майдонга тушиб қолгандек ҳис қиласиз. Штаб сайловга оид қонунлар ва бошқа меъёрий ҳужжатлар, ҳуқуқий адабиётлар, зарур ахборот-коммуникация технологиялари билан тўлиқ таъминланган.

Айтиш керакки, партия дастурий мақсадларини кенг тарғиб этиш, бунда қонунчиликка тўла-тўкис амал қилиш, ижтимоий муҳитда етилиб келаётган кайфиятни англаш масаланинг бир жиҳати бўлса, электорат билан юзма-юз мулоқотлар, ғалвир сувдан кўтариладиган паллада айтилиши лозим бўлган мулоҳазалар алоҳида йўналиш. Штабда ҳар куни иш қизигандан қизийди. Фаоллар, тарғиботчилар, хайрихоҳлар тарғибот лойиҳалари ҳақида ўз таклифларини айтади, ўртага аниқ масалалар қўйилади, айрим ўринларда танқидий фикрлар билдириб, тарғиботни таъсирчан усулларда олиб бориш бўйича ўз фикрини айтади.

Бугунги сайловчи ўз ҳақ-ҳуқуқини яхши билади, сиёсий онг ва тафаккур даражаси ҳаминқадар эмас. Бу эса сайлов штабларидан янада тезкорлик, аниқлик, ҳар бир чиқишларга ўзига хос ёндашувларни тақозо этмоқда. Шунинг учун ҳам барча штаб аъзолари айни фурсатдаги воқеликлардан реал вақтда бохабар бўлиб бориш, мавжуд ахборотни тўплаш, таҳлил қилиш ва қайта ишлаш учун жон жаҳди билан киришган.

Мазкур штаблар партия ташкилотлари, ишончли вакиллар, кузатувчилар ва бошқа фаолларимизга, шунингдек, ўтказиладиган тадбирларга, ташкилий, ахборот-таҳлилий, моддий-техникавий жиҳатдан амалий ёрдам кўрсатиб бориши белгиланган.

ХДП фаолларининг айтишича, жамиятда партия ғояларига хайрихоҳликни кучайтириш долзарб аҳамият касб этади. Шунинг учун партия штабида электорат вакиллари билан учрашувларни самарали ташкил этишга жиддий ёндашилмоқда. Жумладан, ижтимоий соҳа ходимлари, педагоглар ва тиббиёт соҳаси вакиллари, нуронийлар, хотин-қизлар ва ёшлар билан фикр алмашиш кўзда тутилмоқда.










«БОРДИМКЎЛ»НИНГ ТИЛИМИ ТИЛНИ ЁРАР ҚОВУНЛАРИ

Сувсиз жойда экин битганини кўрганмисиз? Қақраган қир ва яйдоқ адирда деҳқончилик қилса бўладими? Бийдай тоғу тошларни яшилликка буркаш мумкинми?

Ҳа, бунинг имкон бори экан. Узун туманидаги «Бордимкўл» қишлоғи аҳли бу борада яхшигина тажриба тўплаган. Сабр-бардошли элнинг лалми ерларда кузги ҳандалак ва қовун-тарвуз етиштираётганига, тўғриси, қойил қолдик.

– Тоғли манзилда яшаймиз, – дейди бизни қарши олган Абдусалом Юзбоев. – Еттита хўжаликда қирққа яқин киши бор. Асосий даромадимиз чорвачиликдан. Қир ва адирлардан унумли фойдаланиш ҳам ҳаётимизнинг ажралмас қисмига айланган.

Хонадон соҳиби қўярда-қўймай дала томон бошлади. Катта-кичик ўнгирлардан ўтгандан кейин хирмон боши - пайкалга етдик.

Сунбулада етилган ҳандалак ва қовунларнинг димоқни қитиқловчи ифоридан кўнгил ҳузурланса, тарвузларнинг сон-саноғи йўқдек туюлади.

– Кўриб турибсизлар, атрофда дарё, канал, ирмоқ ёки ариқ йўқ, – давом этади мезбон. – Ҳатто бир қатра сув топиш ҳам амримаҳол. Аммо-лекин имкониятдан келиб чиққан ҳолда ҳаракат қиляпмиз... Жорий йилнинг май ойи поёнида 70 сотихга уруғ экилганди, денг. Барака унаяпти. Ҳосил чўғи кўнгилдагидек. Ўн тонна чиқса керак-ов.

–Оби ҳаётдан нишона бўлмаган маконда уруғ қадаш, кўкартириш, парвариш қилиш осонмасдир-а?- сўраймиз Абдусалом акадан.

– Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, палакларга умуман сув қўйилгани йўқ. Ҳатто минерал ва маҳаллий ўғит солинмаган. Умидимиз фақат осмондан. Ёғингарчилик кўп бўлса, ер тўйинади. Ҳосил мўллигининг кафолати ҳам шунда. Экинлар тўрт ой, яъни, 120 кунга яқин ер ости захирасидан “чанқоғи қонади”, - дейди ҳамсуҳбатимиз. – Ҳув анави қирлар этагида қовунларнинг Жайдари, Оқ новвот, Бўри калла, Бедана, Қирқ кунлик каби йигирма яқин нави бор. Ҳандалакларнинг сараси 8 килогача тош босса, қовунлар 15-20, тарвузлар 35-40 килогача “юк” қилиши мумкин.

Сувсиз ерда полизларнинг бу қадар мўл бўлиши сабаблари билан қизиқамиз.

– Бунинг учун ер тўрт марта (декабрь, январь, март ва май ойларида) 35-40 сантиметр чуқурликда ҳайдалса, кифоя. Май ойи охиригача у хамиртурушдай “кўпчиб”, кўрпадай “момиқ”лашади. Шундагина ипакдек майин замин ўз саховатини аямайди, - дея таъриф беради соҳибкор. – Айтишим керакки, биз яшаётган тоғларда тош, тарози, дона, кило деган гап-сўзлар йўқ. Бир тонна чиқадими, ўн тоннами – ҳаммаси ўзимизда қолади. Тарвуздан турли шарбатлар тайёрланса, ҳандалак ва қовунлардан тотли қоқи ҳозирлайди хотин-қизларимиз. Янги йил арафасида қўни-қўшни, қариндош-уруғ, яқин биродар ва меҳмонларга улашамиз. Ота-боболардан қолган анъана ва урф-одатимиз шундай. Қовун-тарвузларни қоронғу ва салқин жойда келгуси йилнинг май ойигача сақлаш мумкин.

Тилими тилни ёрар ҳандалак ва қовун-тарвуз тотимоқчи бўлсангиз, албатта, «Бордимкўл»га бир келинг.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ,
“Ўзбекистон овози” мухбири.

РЕКЛАМА ЎРНИДА



Энг яхши тадбиркор аниқланди

Пойтахтимизда “Бизнесни ривожлантириш банки” АТБ ва Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси ҳамкорлигида ташкил қилинган “Энг яхши тадбиркор” республика кўрик-танловининг ғолиб ва совриндорларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.



Тантанали маросим аввалида мамлакатимизда хусусий тадбиркорликни ривожлаштириш йўлида эришилаётган натижалар эътироф этилди.

– Сўнгги йилларда юртимизда аҳолининг тадбиркорлик фаолиятини манзилли қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш масаласи давлат сиёсати даражасига чиқди, – дейди “Бизнесни ривожлантириш банки” АТБ Бошқарув раиси ўринбосари Ойбек Воҳидов. – Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан тадбиркорлар манфаатлари ҳар томонлама ҳимоя қилиниши натижасида кўплаб янги иш ўринлари очилмоқда, аҳолининг турмуш фаровонлиги ошиб бормоқда. Мазкур танловни ўтказишдан асосий мақсад ҳам миллий ва халқаро бозордаги кучли рақобатга қарамасдан, яратган маҳсулот ва хизматлари билан ўз ўрнини топиб бораётган ишбилармон юртдошларимизни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлашга қаратилган.

Танловда бизнесда юқори кўрсаткичларга эришган, ишлаб чиқаришда замонавий технологияларни жорий этган, янги маҳсулот турларини ўзлаштирган, маҳаллаларда иш жойларини яратган илғор ишбилармонлар сараланди. “Энг яхши тадбиркор”, шунингдек, “Энг яхши ёш тадбиркор” ҳамда “Энг яхши аёл тадбиркор” йўналишлари бўйича ғолиблар аниқланди.

– “Бизнесни ривожлантириш банки”нинг 8 йилдан буён мижозиман, – дейди “Энг яхши тадбиркор” номинацияси ғолиби, “Мунисахон бунёдкори” МЧЖ раҳбари Муҳиддин Сулаймонов. – Корхонамиз турар жой ва нотурар жой бино-иншоотларини қуриш билан шуғулланади. Ўтган йили банк ажратган кредит маблағлари эвазига замонавий техника ва маҳсулотларни олдик. Бугунги кунда жамиятимизда 270 нафар ишчи-ходим меҳнат қилмоқда. Мана, менга берилган бу мукофот эса ана шу жамоамизнинг ютуғидир. Тадбиркорларга қаратилаётган эътибор бизни янада руҳлантириб, фаолиятимизни кенгайтиришга, янги иш ўринларини яратиб, халқимиз турмуш даражасини ошириш учун салмоқли ҳисса қўшишга ундайди.

Маросимда ғолиб ва совриндорлар “Бизнесни ривожлантириш банки” АТБ томонидан қимматбаҳо совғалар ва пул мукофотлари билан тақдирланди.

Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ,
“Ўзбекистон овози” мухбири.



MUASSIS:
O‘ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

O‘zbekiston Ovozi

TAHRIR HAY’ATI:
Ulug`bek INOYATOV, Ulug‘bek VAFOYEV, Maqsuda VORISOVA, Qalandar ABDURAHMONOV, Guliston ANNAQILICHEVA, Muslihiddin MUHIDDINOV, Hayotxon ORTIQBOYEVA, Toshtemir XUDOYQULOV

Bosh muharrir: To‘lqin TO‘RAXONOV

MANZILIMIZ: 100029, Тошкент, Мустақиллик майдони 5/3
Телефонлар: (71) 239-12-14
Реклама бўлими: (91) 190-19-49. E-mail: uzbovozi@mail.ru

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko‘chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 4 bosma taboq.

Gazeta O‘zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro‘yxatga olingan.

Navbatchi: Ravshan SHODIYEV
Sahifalovchi: Bekzod ABDUNAZAROV

Г — 937. 3266 nusxada bosildi.
Nashr ko‘rsatkichi — 220.
t — Tijorat materiallari

O‘zA yakuni —
Topshirilgan vaqti —
1 2 3 4 5 6
Sotuvda kelishilgan narxda

Gazeta haftaning chorshanba kuni chiqadi. «O‘zbekiston ovozi» materiallarini ko‘chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.